# Намуна

## 1. КИРИШ КИСМИ

«________» МЧЖ хусусий фирмасининг бизнес-режаси, Карши шахрида замонавий ризограф аппаратли мини босмахонани ташкил этиш максадида, лойихани амалга ошириш учун, тижорат банклари ресурслари хисобидан кичик ва урта бизнес субъектларини кредитлаш механизми **№903** сонли тартиби оркали молиялаштириш натижасида, Вилоятимиздаги полиграфия махсулотлари истеъмолчиларининг ушбу хизматга булган эхтиёжини янада кондириш ва хизмат курсатиш фаолиятини ташкиллаштиришни асослаш максадида такдим этилмокда.

«________» МЧЖ хусусий фирмаси Карши шахар хокимининг _______ йил №Х ____ сонли карори билан давлат руйхатига олинган булиб, юридик манзили ______ туман ________ кучаси ___ уй.

Хисоб раками __________________
МФО:___________
Карши шахар ______ банки «______» булими
ИНН:____________

## 2. ЛОЙИХАНИНГ АСОСИЙ МАКСАДИ ВА ЙУНАЛИШЛАРИ.

«________» МЧЖ хусусий фирмаси лойихани амалга оширишдан максади вилоятимиздаги барча полиграфия махсулотлари истеъмолчиларининг ушбу хизматларга булган эхтиёжларини янада кондиришдан иборат.

Лойиханинг умумий киймати 129550000 сум, шундан 12000000 сумини банк кредити ташкил этади.

Ушбу лойихани амалга ошириш, вилоятимизнинг босмахона хизмати курсатиш бозорида, юкори сифатли ва тез хизмат курсатишни ташкиллаштириш, лойихани ижобий амалга оширилиши натижасида олинадиган фойдани эса, ишлаб чикаришни кенгайтиришга йуналтиришга ички имконият яратиб беради.

## 3. ЛОЙИХАНИНГ МАКСАДИ.

Ушбу лойихани амалга оширишдан максад, кредит хисобидан сотиб олинадиган ускуналар хисобидан Карши шахрида замонавий ризограф аппаратли мини босмахонани ташкиллаштиришни асослашдир.

Лойиха ташаббускорининг, лойихани амалга оширишдан максад куйидаги сабабларга кура:

- курсатиладиган хизматлар таннархининг юкори эмаслигига нисбатан капитал харажатларнинг тезда узини коплай олишлиги,

Хом-ашени етказиб берувчилар ва курастиладиган хизматларнинг потенциал харидорлари билан лойиха ташаббускорининг уртасида, ушбу лойиха буйича олиб борилган музокаралар, уларнинг лойиха буйича хамкорлик килишга жуда катта кизикиши ва истаги борлигини курсатди.

## 4. БОЗОР ВА МАРКЕТИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ.

Лойиха ташаббускори, хусусий «________» МЧЖ фирманинг ракобатга кучлилиги томони, биринчи навбатда бозордаги талабнинг узгаришига тезда мослашиш хусусиятининг умумийлиги билан белгиланади. Юкорида кайд этилган хусусиятга кура, амалга ошириладиган лойиханинг, биринчи навбатда, тушаетган талабга караб, курсатиладиган хизматлар номенклатурасини киска муддат ичида узгартириш, мослаштириш,

махсулотларни ишлаб чикаришда, ички харажатларининг пастлиги, ракобатга бардош бериш имкониятига эга булишини кафолатлайди.

## 5. СОТИШ ПРОГРАММАСИ

Лойиха ташаббускорининг максадига кура, ташаббускорга карашли булган ишлаб чикариш биносига ушбу ускуналар урнатилади.

Сотиш программаси стратегияси, ишлаб чикарилган полиграфия махсулотларнинг сифати, турига булган талабни хамма вакт урганиш, бозор шароитини узгаришига тезда мослашиш, хамда, юкорида кайд этилган фикрлардан келиб чиккан холда, тайер махсулотга нархнинг тез мослашувчи тактикаси белгиланади.

## 6. ЛОЙИХА НАРХИ.

Лойиханинг умумий нархи 12 955 000 сумни ташкил этади.

Лойихани амалга ошириш учун, лойиха ташаббускори томонидан, банкдан, 12 000 000 сум микдорида карз маблаглари хисобидан мини босмахона туплам ускуналари олиш режалаштирилган.

Шундан: - 12000000 сум – асосий капиталга
2.1 таблицада, лойиха нархи аник курсатилган.

**Лойиханинг умумий нархи**

Жадвал 6.1.

| № | | Уз хисобидан (сум) | Банк кредити (сум) | Умумий микдори (сум) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Бино | 350000 | 0 | 350000 |
| 2. | Мини босмахона ускунаси (ризограф) | 0 | 12000000 | 12000000 |
| 3. | Когоз формат А-3<br>Краска учун | 380000 | 0 | 380000 |
| 4. | Сугурта тулови 3 йилга | 225000 | 0 | 0 |
| | ЖАМИ: | 955000 | 12000000 | 12955000 |

**Лойихада хисоб-китоблар учун кабул килинган кредит шартлари**

1. Кредит микдори –12000000 сум
2. Кайтариш муддати – 3 йил.
3. Имтиез даври – 0 ой
4. Йиллик фоиз ставкаси – 13 %
5. Кредитни епиш – ярим йиллик баъдаллар билан кайтариш.

# 7. ИШЛАБ ЧИКАРИШ ПРОГРАММАСИ

## Ишлаб чикариш режаси.

Ишлаб чикариш режаси ва курсатиладиган хизматлар номенклатураси, кредит хисобидан сотиб олинадиган ускуналарнинг ишлаб чиариш кувватидан келиб чиккан холда тузилди.

Лойиха ташаббускорининг максадига кура, лойиха молиялаштирлганидан сунг, мини босмахонани ташкил этиш максадида хизматини амалга оширади.

Бунинг учун лойиха ташаббусскори шартнома тузган. (Шартнома илова килинади)

Мини босмахонани ташкил этиш жараени куйидагилардан иборат:

1. Когозларни босмага тахлаш
2. Дефектни бартараф этиш.
3. Текшириш
4. Ризографни заправка килиш

Уртача хисобда бир хафтада А3 формат когоздан 2000 дона газета чикарилади ва шуни 1 сменада тайёрланади.

1 сменада уртача 20000та нусха тайёрланади.

20000 дона нуснага кетадиган харажатларни калькуляцияси.

Жадвал 7.1.

| № | Материаллар номи | Улчов бирлиги | Сони | Нархи сум |
|---|---|---|---|---|
| 1 | А3 формат когози | кг | 10 | 15000 |
| 2 | Краска | тубик | 2 | 80000 |
| | ЖАМИ: | Х | | 95000 |

**Бир дона А3 формат когозни таннархи 47,50 сумни ташкил этади.**

**Амортизация ажратмаси**

Корхона балансида 350000 сумга бино ва 12000000 сумлик асбоб-ускуналар асосий восита булиб, «Солик кодекси»даги

амортизация чегирмаси бино учун 10% ва асбоб-ускуна учун 15% микдорида белгиланган.

Амортизация чегирмаси йил давомида бинога 35000 сум ва асбоб- ускунага 1800000 сумни, хамда жами 1835000 сумни ташкил этади. Бир ойда бинога 2916,6 сум, бир кунда 729,1 сум ва ускунага бир ойда 150000 сум, бир кунда 37500 сумни ташкил этади.

Бир дона газета учун 00,5 сумни амортизация чегирмаси тугри келади.

## Электро-энергия харажатлари.

Бир кунда икки ускунага 38 кВт энергия сарф булса, Корхона бир кВт электроэнергия учун 17 сум микдорида хак тулайди. Бир кунда 646 сум э/энергияга туланади.

Э/энергия харажати 1дона газетани учун 3,09 сумни ташкил этади.

## Ташкилий режа

Ушбу лойихани амалга оширишдан, 3 та янги иш урни ташкиллаштирилади. Корхонанинг маъмуриятини саклаш, хужаликнинг бошка фаолият туридан олинадиган даромадлар хисобига копланади

## Иш хаки фонди хисоби

Жадвал 7.3

| № | Штатлар руйхати | Ишчилар сони | Ишчилар оклади мик | Бир ойлик маоши | Йиллик маоши |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Типография бошлиги | 1 | 11835 | 7890 | 189360 |
| 2 | Мастер | 2 | 7890 | 15780 | 378720 |
| 3 | Сотувчи | 15 | 7890 | 118350 | 1420200 |
| 4 | Компютер ходими | 2 | 7890 | 15780 | 378720 |
| | ЖАМИ: | | | 149910 | 2367000 |
| | 40% Устамаси б/н | | | 59964 | 946800 |
| | **ЖАМИ суммаси** | | | **209874** | **3313800** |

Иш хаки харажати мини завод учун 26,23 сумни ташкил этади.

1 дона хизматининг калькуляцияси

Жадвал 7.4

| № | Курсаткич номи | Суммаси |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Хом-ашё | 47,50 |
| 2. | Амортизация | 00,5 |
| 3. | Электроэнергия | 3,09 |
| 4. | Иш хаки | 26,23 |
| 5. | Бошка харажатлар (5% микдорида) | 5 |
| 6. | Жами харажатлар | 82,32 |
| 7 | Фойда 40% | 32,92 |
| 8 | Сотилиш нархи | 115,24=115 |

**Солик туловлари ва чегирмалар.**

Лойиха ташаббускори ягона солик тулайди. Ягона солик ставкаси, олинган даромаддан 25%ни ташкил этади.

## 8. МОЛИЯВИЙ РЕЖА

Лойиха ташаббускори, бир ойда 8000та, бир йилда 96000та нусхаларни тайёрлаш хизмати курсатади.

**1 йил давомида курсатиладиган хизматлар**

Жадвал 8.1

| № | Курсатиладиган хизматлар номи | Сони 1ойда | Сони 1 йилда | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | 8000 | 96000 | 195 | 18720000 |
| | **ЖАМИ** | | | | **18720000** |

Йилига умумий даромад 18720000 сумни ташкил килди.

**Банк кредитини фоизи билан кайтариш схемаси**.

Жадвал 8.2

| № | Кайтариш даври | Кредит суммаси | Кредит фоизи 13% | Кредитни кайтариш суммаси | Умумий Тулов суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 0 йил | 12000000 | | | |
| 2 | 1 йил 1- 6 ойлиги | 12000000 | 780000 | 2000000 | 2780000 |
| 3 | 1 йил 2 – 6 ойлиги | 1000000 | 650000 | 2000000 | 2650000 |
| | **Жами 1-йил** | **0** | **1430000** | **4000000** | **5430000** |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 2 йил 1-6 ойлиги | 8000000 | 520000 | 2000000 | 2520000 |
| 4 | 2 йил 2-6 ойлиги | 6000000 | 390000 | 2000000 | 2390000 |
| | **Жами 2-йил** | **0** | **910000** | **4000000** | **4910000** |
| 5 | 3 йил 1-6 ойлиги | 4000000 | 210000 | 2000000 | 2210000 |
| 6 | 3 йил 2-6 ойлиги | 2000000 | 130000 | 2000000 | 2130000 |
| | **Жами 3-йил** | **0** | **340000** | **4000000** | **4340000** |
| | **ЖАМИ** | **0** | **2680000** | **12000000** | **14680000** |

Лойиханинг, 3 йил ичида амалга оширилиши натижасида, кутилаетган молиявий курсаткичлар 8.3 таблицада акс эттирилган.

**Молиявий режа схемаси**

Жадвал 8.3

| № | Курсаткичлар номи | 1 йилда (сум) | 2 йилда (сум) | 3 йилда (сум) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Тушум | 18720000 | 18720000 | 18720000 |
| 2 | Харажатлар | 11040000 | 11040000 | 11040000 |
| 3 | Даромад | 7680000 | 7680000 | 7680000 |
| 4 | Ягона солик 25% | 1920000 | 1920000 | 1920000 |
| 5 | Кредитнинг фоизи | 1430000 | 910000 | 340000 |
| 6 | Кайтариладиган кредит суммаси | 4000000 | 4000000 | 4000000 |
| 8 | Соф фойда | **330000** | **850000** | **1420000** |

Хужалик молиявий-режага кура 3 йилда 2 600 000 сум соф фойда билан чикади. Олинадиган фойда хисобидан кредитнинг фоизи ва кредит суммасини кайтариш эхтимолининг юкорилигини курсатмокда.

# 9. ХУЛОСА.

Ушбу лойихани такдим этишдан олдин, лойиха ташаббускори томонидан, Карши шахридаги замонавий ризограф аппаратли мини босмахонани ташкил этиш максадида, хизмат курсатиш бозорининг ахволи урганилди ва лойихани амалга оширишда таъсир курсатадиган хамма факторларни эътиборга олиб, чукур тахлил этилди.

Келтирилган молиявий курсаткичлар натижалари, ички бозордаги шароитни ва мумкин булган хатарлар ва бошка факторларни эътиборга олиб килинган тахлил натижасида лойихани амалга оширишда, лойиха ташаббускори томонидан курсатилган барча тадбирларнинг самаралилиги ва хаетийлиги тугрисида хулосага килинади.

Ушбу лойихани амалга оширилиши, лойиха ташаббускори фикрини хаетга татбик этишга,хамда Республикамизда олиб борилаетган иктисодий ислохатларга уз улушини кушишга имкон яратилади.

**«________» МЧЖ хусусий ишлаб**
**чикариш фирмаси раиси** ________